

Авазхон Муқон
Чўнон



Авазхон МУҚОН

ЧЎПОН

Роман



Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2015

УЎК: 821.513

КБК 84(5Ў)7

М-33

Муқон, Авазхон

Чўпон: роман / А.Муқон. – Т.: «Turon zamin ziyo» 2015. – 144 б.

ISBN 978-9943-4477-4-5

Ёзувчи Авазхон Муқоннинг ушбу асари ўзига хос гоёси ва ҳаётийлиги билан диққатга сазовордир. Романда образлар ҳаётининг изчиллиги ва воқеалар тизмасининг қизиқарлилиги сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлади деган умиддамиз.

УЎК: 821.513

КБК 84(5Ў)7

Тақризчи ва сўзбоши муаллифи:

Наим КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-4477-4-5

© А.Муқон,
© «Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2015 й.

“ЧҶПОН” РОМАНИ ҲАҚИДА

Истиқлол Ўзбекистонида шундай ғаройиб воқеалар рўй бермоқдаки, бу воқеаларни кузатган ва кузатаётган кишининг ҳайратга тушмай сира иложи йўқ. Биз куни кеча – XX асрнинг 20-йилларида олмон юртига бориб ўқиган, аммо 1937 йилнинг бўронли кунларида ё Германиянинг жосуси сифатида отиб ташланган, ёки шундай фожиали тақдирга чап бериш учун хорижда қолиб кетган, аммо бутун умри бўйи она-Ватандан эсажак муборак шабадаларга юз тутиб яшаган ватандошларимизнинг илму фанга бўлган беадад меҳрига ҳавас билан қарардик. Ҳозир мамлакатимизнинг ўзидаёқ Англия, Жанубий Корея, Сингапур, Россия сингари жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатларнинг олий ўқув юртлари фаолият олиб бормоқда ва ҳар йили юзлаб-минглаб ёшларимиз шу нуфузли олий ўқув юртларини битириб, замонавий билимлар билан “қуролланган” юқори малакали мутахассислар бўлиб хизмат қилишмоқда. Мамлакатимизнинг қарийб барча шаҳар ва қишлоқларида эса шундай ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқдаки, бундан бор-йўғи икки ёки уч йил илгари шу шаҳар ва қишлоқларга борган кишилар энди уларни танимай қолишмоқда. Биргина Тошкентнинг Эски шаҳарида сўнгги икки-уч йил ичида кўп қаватли сервиқор уйлардан иборат шоҳкўчалар, майдонлар, туннель ва кўприклар пайдо бўлдики, ҳозир шу қадар обод ва замонавий мегаполис шаҳарга айланган бу кутлуғ масканни Эски шаҳар дейишга тилимиз бормай турибди...

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган шундай оламшумул ўзгаришлар кишилардан онгнинг, рухий оламнинг, ички маданиятнинг ҳам ўзгариши, янгиланиши ва покланишини тақозо этади. Замонавий, кўркем шаҳар ва қишлоқлардаги муҳташам бинолар ва хиёбонлардан XXI асрнинг шукуҳли нафаси “гуп-гуп” уфуриб турса-ю, киши-

ларимизнинг ижтимоий қиёфаси, руҳий-маънавий олами ва маданияти янги тарихий давр билан уйғунлашмай қолса, бундай кишилар секин-аста жамиятнинг сарқитларига айланиб боради.

Табиат билан жамият ўртасида, визуал воқелик билан кишилар ўртасида шундай зиддият пайдо бўл-маслиги учун мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллий ғоя, маънавият ва маърифат тарғиботига катта эътибор берилмоқда. Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” сингари асарлари ва қатор нутқларида шу масаланинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб, маърифат ва маданият намояндаларини жамиятни, айниқса, ёшларни ота-боболарнинг фидойилик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, бунёдкорлик анъаналари асосида тарбиялашга қаратилган ишларни амалга оширишга даъват этиб келади.

XX аср адабиёти тажрибаси шундан далолат берадики, кишиларнинг руҳий олами, ижтимоий ва маънавий ҳаётига энг катта таъсир кўрсатувчи куч – образи ҳаёт ҳақиқатига яқин ва катта бадий маҳорат билан яратилган адабий қаҳрамонлардир. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ва “Навоий”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва “Оққушлар, оппоқ қушлар”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довони” сингари романларида яратилган ижобий қаҳрамонлар узоқ йиллар давомида китобсевар халқ маънавий олами ва дунёқарашининг шаклланишида ибрат намуналари бўлиб хизмат қилди ва ҳозир ҳам хизмат қилиб келмоқда. Бошқа шоир ва ёзувчиларимиз ҳам ўтган асрда замондошларининг янги дунёқараш ва янги эстетик идеал асосида тарбияланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Бугун сиз, азиз ва ҳурматли китобхонлар эътиборига тақдим этилаётган асар малакали ёзувчининг

қаламига мансуб эмас. У, қўлига эндигина қалам тутган ҳаваскорнинг биринчи асари. Одатда, илк бор қўлига қалам ушлаган киши ё бирор ёзувчи асаридан илҳомланиб, шу асардан андоза олган ҳолда ёки ўз бошидан кечирган бирор ибратли воқеани қоғозга тушириш истагида ҳикоя ёки қисса ёзади. Шундай ҳаваскор ёзувчилардан фарқли ўлароқ, қўлингиздаги китоб муаллифи ўз асари жанрини “роман” деб атаган. Камина шу асар қўлёмасини илк бор қўлимга олганимда, агар бу “роман” ҳам навбатдаги хом-хатала “асар”лардан бири бўлса, чин сўзим билан муаллиф дилини оғритиб қўймасмиканман, деган хавотирга тушдим. Шу хавотир ва ҳадик ҳисси бир неча кун давомида “роман”нинг “юз”ини очиб кўришга ҳам монелик қилди. Ниҳоят, юрак ютиб, қўлёмани қўлга олдим. Буни қарангки, ҳали икки саҳифали ҳикояни ҳам ёзмаган кишининг “роман”ини бир нафасда ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқиб, ёқамни ушладим. Асар ғояси ҳам, ҳаётий материали-ю бош қаҳрамони ҳам, бу қаҳрамон образининг тадрижий шаклланиш ва ривожланиш йўли ҳам менга манзур бўлди. Чамамда, бугун ўзбек адабиёти олдида турган асосий масалалардан бири – ҳозирги тарихий давр қаҳрамони образини яратиш ҳақидаги баҳс ва мунозараларга муаллиф ўз асари билан аралашгандек эди.

Бугун ким ёки кимлар мустақиллик даври адабиётининг етакчи ижобий қаҳрамони бўлиши мумкин? Бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб бермоқда ва бу табиий ҳол. Назаримда, ҳозир мамлакатимиз қиёфасини ўзгартираётган бунёдкорлар, тадбиркорлик фаолиятдан тушган маблағнинг салмоқли қисмини мактаб, шифохона бинолари қурилишига, болалар ва кексалар уйларига сарфлаётган фермерлар, фидокорликда улардан ортда қолмаётган бошқа соҳа кишилари ҳам ёзувчиларнинг ижобий қаҳрамон образини яратишларида прототип бўлиб хизмат қилишлари мумкин.

“Чўпон” романи қаҳрамонининг прототипи

борми-йўқми – билмайман. Лекин, чамамда, унинг муаллифи бепоён адирларда қўй-қўзиларни боқиб, ватандошларининг дастурхонларини тансиқ неъмат билан таъминлаётган фидойи кишилар ҳаётини яхши билади. Ҳатто шу содда, ҳалол, меҳнаткаш, олижаноб кишиларни чин қалбдан севади ва ҳурмат қилади. Акс ҳолда, у асар марказида турган оддий чўпон образини ҳозирги даврнинг етакчи ижобий қаҳрамонлари даражасига олиб чиқишга интилмаган бўларди.

Асар бош қаҳрамонининг исми – Элбек. Элбекнинг Чўнғқояда яшаган барча авлод-аждодлари чўпонлик қилишган. Унинг отаси Қодир полвон ҳам ўғлининг ота-боболар касбини эгаллашни хоҳлайди. Элбек ўқишни давом эттириш истаги билан яшаётганига қарамай, отасининг эрк-иродасига қарши чиқолмайди. Лекин у, ота-боболаридан фарқли ўлароқ, чўпонлар ҳаётига фан ва техника янгиликларини олиб кирмоқчи бўлади. Молларни қишда ҳам адирда сақлаш йўллари ахтариб, қуёш энергиясидан, электрон антеннаю ҳаво пуркаш парракларидан фойдаланган ҳолда уларнинг қишки масканларини иситмоқчи бўлади. Шундай изланишлар ва амалий ишлар орасида интернет орқали дунёда рўй бераётган турфа воқеаларни кузатиб, италиялик бир қизнинг ўрта осиелик бирор йигит билан танишмоқчи бўлганидан хабар топади.

Романнинг кейинги воқеалари икки воқеликда – ўтмиш ва ҳозирги замонда кечади. Элбек Сильва билан интернет орқали олиб борган ёзишмаларида – итальян қизининг истак-илтимоси билан – ўзбек халқининг урф-одатлари, жаҳонга машҳур миллий таомлари, бой тарихи ва бошқа масалаларга оид маълумотларни бериб боради. У айти пайтда ўзбек халқи тарихи бўйича билимини ошириш мақсадида Тошкентдаги Қадимшунослик институтига оддий ходим бўлиб ишга кириб, институтнинг Термиз шаҳрида олиб борган археологик экспедициясида иштирок этади; экспедиция раҳбари билан бўлган

сухбатлари чоғида ўзбек халқи тарихининг бир-бирдан ғаройиб саҳифалари билан танишиш имконига эга бўлади. Элбекнинг шу жараёнда тўплаган билими Сильвада катта қизиқиш уйғотади. Сильва унинг хатлари орқали Анахарсис, Искандар Зулқарнайн, Рухшона, “Алпомиш” эпоси, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Бибихоним, Амир Темур сингари буюк тарихий шахслар ва асарлар билан танишади. Элбек Сильвани бу тарихий шахслар билан таништирганда, энциклопедиялардаги умумий ва зерикарли маълумотлардан эмас, балки улар ҳаёти ва фаолиятини дафъатан нурлантириб юборувчи мароқли воқеалар ва ривоятлардан фойдаланади. Элбекнинг шу ажойиб сиймолар тўғрисидаги сўзларини ўқиган Сильвада уларга нисбатан ҳам, уларни улғайтирган ўзбек халқига нисбатан ҳам чуқур эҳтиром туйғулари пайдо бўлади. Китобхон Элбекнинг шу ёзишмалари билан танишар экан, муаллиф қалбида миллий ғурур туйғуларининг жўш уриб турганини сезмай қолмайди ва бу туйғулар, ўз навбатида, ўқувчининг ҳам кўнглига кўчади.

Асарда тасвирланган яна бир воқеани эслаб ўтишни истардим.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёт диний-мафкуравий таъсирга берилган айрим кимсалар Ўзбекистонда ислом ақидаларига асосланган давлат тузумини ўрнатмоқчи бўлишган. Бу – мустақил Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб ва унутиш мумкин бўлмаган саҳифаларидан бири. Шу кимсалар ўз ғояларини рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай ваҳшийликларга қўл уришлари ҳеч гап эмас эди. Тарихнинг шундай қалтис ва хавфли бир лаҳзасида ҳурматли Президентимиз улар ҳузурига бирор соқчисиз ва бирор қуролсиз бориб, улар мақсадининг халқ мақсадига тамомила зид эканлигини шундай тушунтирганки, бундан бир неча дақиқа аввал мамлакат раҳбарини ғажиб ташлашга тайёр бўлган кимсалар ўз ниятларидан қайтиб, Президентни ҳурмат билан кузатиб қўйганлар.

Муаллиф шу унутилиб юборилиши мумкин бўлган тарихий воқеани асар композицияга шундай олиб кирганки, уни ўқиган китобхон мустақил Ўзбекистоннинг осонлик билан барпо этилмаганини, шу машаққатли ва шарафли жараёнда Президенти-миз кўрсатган тарихий жасоратни кўз олдига келтириб, бугун кундан-кунга равнақ топиб бораётган Мустақил Ўзбекистонда яшаётгани учун шукроналар айтса, ажаб эмас.

Бадиий адабиётнинг муҳим вазифаларидан бири – халқ тарихининг бадиий йилномасини яратишдир. “Ўткан кунлар” билан “Меҳробдан чаён” ҳам, “Навой” билан “Қутлуғ қон” ҳам, “Улуғбек хазинаси” билан “Оққушлар, оппоқ қушлар” ҳам, “Юлдузли тунлар” билан “Авлодлар довони” ҳам ўзбек халқи тарихининг бадиий йилномаларидир. Афсуски, ҳозирги даврнинг бадиий йилномасини яратиш машаққатли бўлса керакки, бу масалада ёзувчиларимиз эришган ютуқларни катта деб бўлмайди.

Камина юқорида баён қилинган сўзлар билан “Чўпон” романи ва унинг муаллифини кўкка кўтармоқчи эмасман. Роман, шубҳасиз, баъзи бир нуқсон ва камчиликлардан холи эмас. Масалан, Чўнгқоядаги бўрилар билан олишувни инобатга олмаганда, бош қаҳрамоннинг ҳаёт йўли гуллари чаман бўлиб очилган хиёбондан ўтгандек туюлади... Аммо шундай нуқсонларига қарамай, муаллифнинг замонавий мавзуга мурожаат этиб, ҳозирги воқелик бағридан Элбекдек адабий қаҳрамонни “топиб олиши”, бутун асар давомида китобхонларда миллий қадриятларга, тарихимизнинг машъал сиймоларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғота олувчи, улардаги миллий ғурур туйғуларига янги ҳарорат бағишловчи асарни ёзишга интилганлигининг ўзи эътиборга сазовордир.

Муаллифнинг бу биринчи асари шояд сиз, азиз китобхонларга ҳам манзур бўлса...

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЧҰНГҚОЯ

Чўнғқояда қуёш уйғонди.
Қуёшнинг заррин нурлари осмонўпар чўққилар бағрида қиш бўйи тўпланган қор қатламлари юзида живир-живир ўйнар, Чўнғқоя этагида эса кўклам аллақачон сепини ёйган, ўрмон, яйлов яшил либосга бурканган, бодом гулга куртак туккан эди.

Қоянинг қуёш тушар бағри қалин арчазор, улкан харсанг тошлар бағрини тилиб, шиддат ила ёруғликка интилаётган бир тегирмон сув кўпириб, шовуллаб пастга қуйилади. Шаршара оқими шитоб билан урилаётган тошҳовуз теварагида сув зарралари юзу кўзга иниб, қалб ҳароратини оширади. Ҳовуз қирғоғидаги ялпиз баргига қўнган нинанинг қаноти кўз илғамас шитоб билан дириллайди. Шаршара суви энаётган адир бўйлаб чўзилган ёлғизоёқ сўқмоқ адоғидаги қўрғон элас-элас кўзга ташланади.

Чўққилар орти эса ўзга мамлакат.

Қодир полвон чўпонтаёққа суянган кўйи атрофга назар ташларкан, Олапар, Қоракўз лақабли бўрибосарлар паноҳида ўт чимдиб илгари силжиётган кўй-қўзи, олахуржун ортилган кулранг эшак унга бугун нима учундир ўзгача туюлди. Осмонда муаллақ сузаётган ягона бургутнинг салобати, сайроқи қушларнинг жозибали хониши кўнглини хушнуд этди. Тонг билан қибла томондан эсан майин шабада чўпоннинг дилига туккан ниятини силаб ўтгандек бўлди.

Қодир полвон ўғлига тайинлайдиган сўзларни хаёлида яна бир карра такрорлаб, Элбекка юзланди. Унинг чайир билакларига, алп қоматига, ғайрат, қатъият акс этган юз-кўзларига ғурур ва ҳайрат ила тикилиб, ўзи-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5392> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5392> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5392>